O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№
Majburiy bepul nusxa

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 3 ноябрь, № 212 (5127) Чоршанба

# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2 ноябрь куни Оқсаройда Эстония Республикаси Бош вазири Андрус Ансипни қабул қилди.**





Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон — Эстония муносабатлари ривожланиб бораётганидан мамнуният билдирди.

— Биз Эстонияга изчил равнақ топаётган, хусусан, бугунги кунда инфратузилмаси, транзит, транспорт соҳасидаги имкониятлари ривожланган давлат сифатида қараймиз, — деди Ислом Каримов. — Мамлакатларимизда икки томонлама муносабатларни ўзаро манфаатли асосда ривожлантириш йўлида мавжуд имкониятлардан фойдаланиш учун барча асослар бор.

Эстония Республикаси Бош вазири Андрус Ансип самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, Эстония мамлакатимиз билан сиёсий ва савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришдан ғоят манфаатдор эканини таъкидлади.

— Ушбу ташриф Эстония Бош вазирининг Ўзбекистонга илк ташрифи бўлиб, ундан асосий мақсад — минтақанинг етакчи давлати сифатида эътироф этилган Ўзбекистон билан муносабатларни сифат жиҳатдан янги поғонага кўтаришдан иборат, — деди Андрус Ансип. — Президент Жаноблари, Сиз тўғри таъкидлаганингиздек, кенг кўламли ҳамкорлигимиз учун барча зарур шарт-шароит мавжуд.

Ўзбекистон билан Эстония ўртасида ўзаро муносабатларни ривожлантириш Марказий Осиё мамлакатлари билан Болтиқбўйи ва Европа Иттифоқи давлатларининг ҳамкорлигини кенгайтиришга хизмат қилади.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳаларни, энергетика ва транспорт коммуникациялари тармоғини қамраб олади. Тўқимачилик, фармацевтика, кимё саноати ва иқтисодиёт ҳамда илм-фаннинг бошқа соҳаларида ўзаро фойдали асосда қўшма лойиҳалар ишлаб чиқишдан икки томон ҳам манфаатдор. Мамлакатимиз пойтахтида бўлиб ўтган Ўзбекистон — Эстония бизнес-форуми якунлари бунинг ёрқин тасдиғидир.

Ривожланган транспорт инфратузилмасига эга ҳамда жуғрофий жиҳатдан қулай жойлашган Ўзбекистон ва Эстония транспорт соҳасида яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда. Хусусан, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси халқаро хабининг сармоявий ва логистик салоҳияти минтақамиздаги энг муҳим транзит тармоғи сифатида эътироф этилган.

Оқсаройдаги учрашувда ўзаро муносабатларни ривожлантириш истиқболларига оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА).**

**Сарвар ЎРМОНОВ олган суратлар.**

---

***Эстония Республикаси Бош вазири Андрус Ансипнинг мамлакатимизга ташрифи доирасида 2 ноябрь куни пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон ва Эстония ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.***

# ЎЗБЕКИСТОН – ЭСТОНИЯ БИЗНЕС-ФОРУМИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Эстония Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалаларига бағишланди. Форумда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, сармоя, ёқилғи-энергетика, банк-молия, автомобилсозлик, қурилиш, геология, озиқ-овқат, кимё, енгил саноат, тўқимачилик, кўнчилик, фармацевтика, транспорт ва транспорт коммуникациялари, логистика, ахборот технологиялари ва сайёҳлик соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев ушбу форум мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларни янада ривожлантириш учун янги имкониятлар очишини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Эстониянинг савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасидаги имкониятлари катта. Ўзбекистонда Эстония сармояси иштирокида тузилган қатор қўшма корхоналар, ушбу мамлакат етакчи фирма ва компанияларининг ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Улар электротехника, саноат технологиялари ва дастурий воситалар ишлаб чиқаришга, кимё, хизмат кўрсатиш каби соҳаларга ихтисослашган.

Форумда эстониялик ишбилармонларга мамлакатимиз иқтисодиётига сармоя жалб қилишнинг устувор йўналишлари, Ўзбекистоннинг нефть-газ, кончилик, сайёҳлик, автомобилсозлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби соҳалардаги салоҳияти ҳақида батафсил маълумот берилди. Меҳмонлар юртимизда давом этаётган кенг кўламли хусусийлаштириш жараёни, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасининг имкониятлари билан танишдилар.

— Ўзбекистон билан иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдормиз, — деди Андрус Ансип. — Ўзбекистон ҳам, Эстония ҳам изчил ривожланиб бораётган мамлакатлардир. Ўзаро ҳамкорликни тараққий эттириш борасида икки мамлакат ҳам кенг имкониятларга эга.

Бизнес-форумда мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни, жумладан, транспорт ва логистика, банк сектори, ахборот-коммуникация технологиялари, саноат, сайёҳлик, озиқ-овқат, кимё, енгил саноат, кимё саноати ва юк ташиш соҳаларидаги алоқаларни янада ривожлантиришга, Эстония фирма ва компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этишга оид масалалар муҳокама қилинди.

— Таллин бандаргоҳи — Болтиқ денгизидаги йирик сув дарвозаларидан биридир, — деди Таллин порти бошқаруви раиси Айн Кальюранд. — Компаниямиз ўзбекистонлик ишбилармонларга жаҳон бозорига тез ва осон чиқиш учун юқори сифатли хизматни таклиф этаётир.

Анжуманда Эстониянинг қатор йирик компанияларидан кўплаб вакиллар иштирок этди. Хусусан, «Corpore» (жамоатчилик билан алоқалар), «Eesti Energia» (энергетика), «Real Systems» (ахборот технологиялари), «Savi» (қурилиш), «Port of Tallinn» (юк ташиш) каби компаниялар вакиллари Ўзбекистонда ўз фаолиятини йўлга қўйиш ниятида эканлигини маълум қилди.

— Биз ёнувчи сланецлардан синтетик нефть ишлаб чиқарамиз, — деди «Eesti Energia» компанияси бошқаруви раиси Сандор Лииве. — Ўзбекистонда бундай тоғ жинсларининг захираси катта. Ушбу йўналишда узоқ муддатли ҳамкорлик ўрнатишни режалаштирмоқдамиз.

(Давоми 2-бетда).

---

## Озод юртнинг обод уйлари

***Бугун қишлоқларимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Президентимизнинг 2009 йил 3 августда қабул қилинган “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш, барча қулайликларга эга, замонавий тураржойлар барпо этиш борасидаги кенг кўламли ишлар изчил давом этаётир.***

# ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

— Ўтган йили Қамаши, Ғузор, Қарши, Китоб ва Касби туманларида намунавий лойиҳа асосида 100 уй-жой қурилиб, эгаларига топширилди, — дейди “Қишлоқ қурилиш инвест” ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компанияси Қашқадарё вилояти филиали директори Уйғун Азизов. — Бу уй-жойларни харид қилиш учун “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан фуқароларга 15 йил муддатга имтиёзли кредитлар ажратилди. Янги аҳоли пунктларида 5,2 километрлик табиий газ, 8 километрлик электр энергияси ва 17,2 километрлик ичимлик суви тармоқлари тортилди, 4,9 километр ички йўллар қурилди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу уй-жойларни барпо этишда, асосан, маҳаллий қурилиш материалларидан фойда-

(Давоми 2-бетда).

---

## Йўлсозлик:

# ЗАМОНАВИЙ АНДОЗАЛАР АСОСИДА

*Мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Бу, ўз навбатида, шаҳару қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириб, халқимиз турмушини янада фаровонлаштиришга хизмат қилаётир. Бунда йўлсозларимизнинг ҳам ўзига хос улуши бор, албатта.*

**Жараён**

Зотан, бугун мазкур соҳа вакиллари томонидан барпо этилаётган равон йўллар ва уларнинг атрофидаги коммуникация тармоқлари йўловчиларнинг узоғини яқин, мушкулини осон қилмоқда.

— Вилоятимиз ҳудудида жами 1422 километрлик умумфойдаланишдаги автомобиль йўллари мавжуд, — дейди “Сирдарёавтойўл” ҳудудий йўллардан фойдаланиш давлат ташкилоти директори Собиржон Назаров. — Шунинг 197 километри халқаро, 661 километри давлат ва 564 километри маҳаллий аҳамиятга молик автомобиль йўлларидир. Ушбу йўлларни созлаш, сақлаш ва таъмирлаш бизнинг зиммамизда. Айтиш жоизки, бунинг учун барча шароит ва имкониятларимиз етарли. Масалан, ҳозир ихтиёримиздаги техникалар сони 70 тани ташкил этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

---

# ФАЙЗУ БАРАКА ВА САМИМИЯТ ЮРТИ

**дейишмоқда Ўзбекистонга ташриф буюраётган хорижлик сайёҳлар**

*Аксарият хорижий давлатларда одамлар ўзга юртларга саёҳат қилмоқчи бўлишса, энг маъқул пайт, деб ёз ойларини танлашади. Бунинг сабаби оддий. Тарихий шаҳарларни томоша қилиш, денгиздан баҳра олиш, хуллас, бир олам таассурот билан қайтиш учун, аввало, об-ҳаво жуда қулай бўлади. Қолаверса, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ҳам ҳар қачонгидан жонланади. Лекин биз фахр билан айтишимиз мумкинки, Ватанимиз бой тарихи, бетакрор анъана ва қадриятлари, кўҳна шаҳарларимиздаги бетакрор обидалар сайёҳларни йил бўйи ўзига жалб қилиб келмоқда. Меҳмондўст халқимизнинг очиқ чеҳраси, самимий муносабати, қишин-ёзин расталаридан мевалар аримайдиган бозорларимиз файзу тароватi ўзга юрт вакилларини бу ерга қайта-қайта келишга ундамоқда. Буни чет эллик сайёҳлар билан суҳбатлашганимизда ҳам кўп бор эшитаяпмиз.*

**Кевин ЗУ, (Хитой):**

— Чиндан ҳам, Ўзбекистонда ҳар бир фасл ўзига хос. Ҳозир айни куз палласи бўлгани учун дарахт барглари олтин рангга кириб, ажиб бир манзара ҳосил қилган. Ариқлардаги сувлар янада тиниқлашган, сокинлашган. Мен табиатан ёлғиз сайр қилишни, ўз хаёлларим билан бўлишни яхши кўрадиган инсонман. Тошкентнинг жуда кўп диққатга сазовор жойларини айландим, хиёбонларида ҳордиқ чиқардим. Айниқса, бир маскан менга жуда маъқул келди: Мустақиллик майдонининг шундоққина ёнгинасидан анҳор ўтган экан. Шу ерда ўтириб, икки-уч соат дам олдим. Сал нарироқда бир йигит астойдил расм чизаяпти, икки ёш қизча дилдан суҳбат қураяпти, яна бир бола берилиб китоб ўқияпти. Биласизми, шундай манзарани кўришни орзу қилгандим. Жуда таъсирландим.

**Фахр**

Сайилгоҳ кўчасидаги рассомларнинг асарларини, шунингдек, Алишер Навоий номидаги опера ва балет давлат академик катта театри олдидаги мусиқали фавворани ҳам томоша қилдим. Касбим иқтисодчи бўлгани боис ҳисоб-китоб ишлари мени анча чарчатиб қўйган экан. Мамлакатингизга қилган қисқа фурсатлик саёҳатим давомида ўзимни енгил ҳис эта бошладим. Бу Ўзбекистонга биринчи бор келишим эмас, умид қиламанки, охиргиси ҳам бўлиб қолмайди.

(Давоми 3-бетда).

---

# МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

## Кредит ҳисобидан корхона

***НАВОИЙ. Тадбиркор Зафар Бекназаров банкдан олган 240 миллион сўмлик кредити ҳисобига йилига икки миллион дона пишиқ ғишт ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Навбаҳор қурилиш маҳсулот” корхонасини ташкил этди.***

Хорижнинг замонавий технологиялари билан жиҳозланган корхонада ойига 200 минг донагача сифатли деворбоп материаллар ишлаб чиқарилиб, вилоятдаги қурилиш ташкилотларига етказиб берилмоқда.

Таъкидлаш керакки, Навбаҳор туманида жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида барча корхоналар томонидан 26 миллиард 126 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди.

**Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Туманда тўқимачилик саноати

***НАМАНГАН. Тўрақўрғон туманидаги “Дилрабо СДА” хусусий корхонасининг тўқимачилик маҳсулотлари ўзининг рақобатбардошлиги билан ички бозорда харидорларини топмоқда.***

Корхона жорий йилнинг ўтган даврида ички бозорга бир миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулот чиқарди. Айни пайтда 130 киши меҳнат қилаётган корхонада кунига 5 минг донагача бежирим кийим-кечак тайёрланаяпти.

Иқтисодиёт ривожига фаол ҳисса қўшаётган бундай корхоналар иштирокида туманда йил бошидан буён 27,4 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Аҳолига яна бир қулайлик

***АНДИЖОН. Балиқчи туманининг Ўртақўрғон маҳалласида яна бир сув иншооти барпо этилди. Натижада 700 та хонадонга тоза ичимлик суви кириб борди.***

“Обиҳаёт”, “Андижонмахсуссувдренаж” масъулияти чекланган жамиятлари ҳамда “УФҚ-95” ишлаб чиқариш фирмаси жамоалари жорий йилда лойиҳа қиймати 822 миллион 802 минг сўмликдан иборат 17 та янги сув қудуғини қуриб битказдилар. 4 та қудуқ эса реконструкция қилинди. Бунинг учун 33 миллион 989 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

**Воқеалар, янгиликлар, хабарлар**



## «Умид»нинг ишончли одимлари

***БУХОРО. Бундан саккиз йил муқаддам 10 миллион сўм маблағ билан фаолият бошлаган “Умид” кредит уюшмаси бугунги кунга келиб ўз мавқеини обдан тиклаб олди.***

Уюшма қисқа муддатда ўз аъзоларининг тўрт миллиард сўмга яқин бўш пул маблағларини жалб этишга муваффақ бўлди. Шунингдек, ҳозиргача тадбиркорлик субъектларига беш миллиард сўмлик кредитлар ажратди.

Таъкидлаш керакки, мазкур сармоялар эвазига фаолиятини кенгайтирган корхоналарда жорий йилнинг ўтган даврида 500 та янги иш ўрни яратилди.

**И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

---

**БИР РАҚАМ ШАРҲИ**

# ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИ — ЭҲТИЁЖГА ЯРАША

***2010 йилнинг тўққиз ойи мобайнида мамлакатимизда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 12 фоизга ўсиши таъминланди.***

Бунда, табиийки, ишлаб чиқарувчи корхоналарга кенг солиқ имтиёзлари берилганлиги ва уларни кредитлаш орқали қўллаб-қувватлаш кенгайтирилгани муҳим омил бўлди. Натижада халқимизнинг талаб-эҳтиёжига яраша истеъмол товарлари тайёрлашга эришилмоқда.

# ЎЗБЕКИСТОН – ЭСТОНИЯ БИЗНЕС-ФОРУМИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бизнес-форум якунида Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Эстония ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа ўтказилди. Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган бир қатор товарларни экспорт қилиш бўйича шартномалар тузилди.

Шу куни Эстония Бош вазири «Uztex Tashkent» Ўзбекистон — Швейцария — Буюк Британия қўшма корхонаси фаолияти билан танишди. Меҳмон мамлакатимизда тўқимачилик саноати изчил ривожланиб бораётганини қайд этди.

Андрус Ансип Тошкентдаги Турин политехника университетига ташриф буюрди. Бу ерда машинасозлик, энергетика, меъморлик ва саноат дизайни, саноатда ахборот технологиялари ва автоматик бошқарув тизими каби факультетлар фаолият кўрсатади. Эстония Бош вазири университетдаги ўқув тизимига, талабаларнинг пухта билим олиши учун яратилган шарт-шароитга юксак баҳо берди.

Меҳмон Темурийлар тарихи давлат музейида бўлиб, Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳақида ҳикоя қилувчи ранг-баранг экспонатларни кўздан кечирди.

**(ЎзА).**

*__Мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасини ислоҳ этиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Ўсиб келаётган авлодни баркамол этиб тарбиялаш, уларга зарур билим ва кўникма бериш педагог кадрлар зиммасидаги масъулиятли вазифалардан бири бўлиб, бунга уларнинг юксак маҳорати ва фидойи меҳнати натижасида эришилаётир. Шу боис бугунги кунда таълим тизими ходимлари меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш, уларнинг манфаатдорлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.__*



# ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ БЎЛМОҚДА

**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.**

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан ўтказилган семинарда шу хусусда сўз юритилди. Ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг ҳуқуқий асосларига бағишланган тадбирда парламент қуйи палатаси депутатлари, Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликлари мутасаддилари, олий ўқув юртлари проректорлари, профессор-ўқитувчилари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар педагоглари ҳамда бошқа тегишли идоралар вакиллари иштирок этди.

Айтиш жоизки, ҳозирда юртимизда ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини муносиб баҳолашга алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг янада самарали фаолият юритишлари учун зарур ҳуқуқий асослар яратилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастурининг қабул қилиниши бу борада муҳим омил бўлмоқда. Қолаверса, 2010 йилнинг 9 ойи давомида давлат бюджетидан ижтимоий соҳага ажратилган маблағларнинг 58 фоизи айнан таълим тизимига йўналтирилгани ҳам мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасининг устувор, деб белгиланганлигидан далолатдир.

— Таълим муассасалари иш ҳақига мўлжалланган мавжуд маблағлар доирасида мустақил равишда ставкалар, мансаб окладларига табақалаштирилган устама белгилаш ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш ва уни рағбатлантиришнинг турли шаклларини қўллашга доир давлатимиз раҳбарининг бир қатор ҳуқуқий-норматив ҳужжатлари қабул қилинган, — дейди мазкур қўмита аъзоси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг парламент қуйи палатасидаги фракцияси аъзоси Ўрол Ҳайитов. — Хусусан, Президентимизнинг 2005 йил 25 ноябрдаги "Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчи ва мураббийлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг янги тизими жорий этилди. Эндиликда ўқитувчиларнинг касб маҳорати ва ташаббускорлигига қараб ойлик маошлари белгиланаётир. Жумладан, 2004 йилдан буён ўқитувчилар ўртача ойлик маоши 7 баробарга ошган. Бу эса, ўз навбатида, уларнинг янада самарали фаолият юритишларини таъминламоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 24 июлдаги "Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан эса 2008 йил 1 сентябрдан бошлаб олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий лавозим маошларига амалдаги доимий устама ва қўшимча тўловларни қўшган ҳолда такомиллаштирилган тизими жорий этилди.

Тадбир якунида иштирокчилар ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантиришни янада такомиллаштириш бўйича ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

**Зиёда АШУРОВА.**

# МУКАММАЛ ҚОНУНЛАР ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

*__Маълумки, "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, амалдаги қонунчилик ҳамда норматив ҳужжатларга замон талабларига мос ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш белгиланган. Яқинда кучга кирган "Пиротехника буюмлари муомаласи тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам пиротехника буюмлари муомаласини лицензиялаш жорий этилишини, шунингдек, пиротехника буюмларининг ноқонуний муомаласи юзасидан маъмурий ва жиноий жавобгарликни назарда тутади.__*

**Қонун кучга кирди**

Пиротехника буюмлари мақсади ва қўлланиш шароитларига кўра, икки гуруҳга — маиший мақсаддаги буюмлар ҳамда махсус ва техник мақсаддаги буюмларга бўлинади. Таҳлиллар кейинги йилларда пиротехника буюмларининг, асосан, маиший мақсадлардаги пиротехника буюмларининг муомаласи кескин кўпайганлигини кўрсатади. 2006 — 2009 йиллар мобайнида ички ишлар органлари томонидан республика ҳудудида амалга оширилган тадбирлар натижасида пиротехника буюмларини келтириш, ташиш, сақлаш, сотиш ва улардан фойдаланишда белгиланган қоидаларни қўпол равишда бузган 3481 нафар ҳуқуқбузардан 3 млрд. 276 млн. донадан ортиқ пиротехника буюмлари олиб қўйилган. Пиротехника буюмларининг юқори даражада хавфлилигига қарамай, уларнинг асосий қисми муомаласига доир масалалар қонунчилик билан етарли даражада тартибга солинмаган эди.

Янги Қонунда ушбу жиҳатлар тўлиқ қамраб олинди. Хусусан, мазкур Қонуннинг 1-моддаси билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси "Пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи" деб номланган $250^1$-модда билан тўлдирилди. Унга кўра, пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, худди шунингдек, уларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кириш (Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш) ёки ўтказиш анча миқдорда ёхуд шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Шунингдек, бундай хатти-ҳаракатлар бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, такроран ёки хавфли рецидивист томонидан, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан содир этилган бўлса, баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг $250^1$-моддаси учинчи қисмида пиротехника буюмлари билан муомала қилиш жуда кўп миқдорда, уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, одам ўлишига сабаб бўлса, беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши назарда тутилди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг $250^1$-моддаси тўртинчи қисмида эса пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, худди шунингдек, уларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кириш (Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш) ёки ўтказиш одамлар ўлимига, бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса, саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши назарда тутилди.

Шу ўринда мазкур Қонуннинг 2-моддаси билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси "Пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи" деб номланган $185^1$-модда билан тўлдирилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Зеро, пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, худди шунингдек, уларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кириш (Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш) ёки ўтказиш учун дастлаб маъмурий жавобгарликнинг белгиланиши бу хилдаги қонунбузилишларнинг олдини олади, жиноят содир этишдан ўз ихтиёри билан воз кечиш каби тарбиявий аҳамият касб этиши билан характерланади. Бу қилмиш учун ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиш, энг кам иш ҳақининг беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солиш назарда тутилди.

Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ эса, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган "Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида"ги қарорининг биринчи иловаси "Пиротехника буюмларини (ҳарбий мақсаддаги маҳсулотлардан ташқари) яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, реализация қилиш, улардан фойдаланиш, уларни йўқ қилиш ва утилизация қилиш" мазмунидаги хатбоши билан тўлдирилди.

Хулоса қилиб айтганда, "Пиротехника буюмлари муомаласи тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуннинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши пиротехника буюмлари муомаласи бўйича давлат томонидан самарали назорат ўрнатилишига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг соғлиғини муҳофаза этишга ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлашга ижобий таъсир кўрсатади.

**Музаффар МАМАСИДДИҚОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари.**

# ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

ланилмоқда. Бу эса уларнинг таннархини пасайтириш ҳамда иш унумдорлиги ва ҳажмини ошириш имконини бераётир. Янги массивларда замонавий коттежлар қаторида, ҳудуд бош режасига мувофиқ, болалар боғчалари, мактаблар, тиббиёт муассасалари, турли савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари, кенг ва равон йўллар ҳам барпо этилмоқда.

Жорий йилда барча туманларда намунавий лойиҳа асосида 735 уй-жой қурилмоқда. Ҳозиргача қурилиш ишларининг 90 фоизи якунига етказилди. Тез кунларда фойдаланишга топширилиши мўлжалланаётган янги уйлар қурилишида ҳудудларнинг табиий-иқлим шароити инобатга олинган ҳолда, замонавий меъморчилик услублари қўлланилмоқда. Меҳмонхона, ётоқхона, болалар хонаси, ошхона, томорқа — буларнинг барчаси хонадон эгалари учун қулайлик яратади ҳамда уларнинг фаровон ҳаёт кечиришига хизмат қилади.

"Қишлоқ қурилиш банк" томонидан ажратилаётган имтиёзли кредитлар янги уй олиш истагида бўлганлар учун катта имконият яратмоқда. Айни пайтда қурилаётган барча уйлар учун буюртмачилар томонидан бошланғич бадаллар тўланган.

2011 йилда Қашқадарё вилоятида такомиллаштирилган лойиҳалар асосида 805 якка тартибдаги уй-жой бунёд этиш кўзда тутилган. Ҳар томонлама қулай бу уйларнинг қурилиши барча туманларда — умумий майдони 83 гектарга тенг 31 массивда амалга оширилади. Бу массивларга зарур муҳандислик ва транспорт коммуникациялари ўтказилади. Жумладан, 19,75 километрлик табиий газ ва 18,32 километрлик электр энергияси тармоқлари, 32,63 километрлик ичимлик суви қувурлари ва 15,2 километр ички йўллар барпо этилади.

**Феруз ХОЛМИРЗАЕВ, (ЎзА).**

Йўлсозлик:

# ЗАМОНАВИЙ АНДОЗАЛАР АСОСИДА



(Давоми. Боши 1-бетда).

— Ўтган йили "Гулистон — Оҳангарон" автомобиль йўлининг 24 километр узунликдаги янги йўналиши ҳамда битта темир йўл устидан ўтувчи йўл ўтказгични қуриб битказдик, — дейди ташкилот бош муҳандиси Толибжон Йўлдошев. — Бу объектларни қуришда ҳозирги кунда жаҳон йўлсозлигида қўлланилаётган тажрибадан фойдаланганимиз туфайли ишни қисқа муддатда тугатиб, анча маблағни тежаб қолдик.

Жорий йилда Мирзаобод тумани йўл хўжалиги корхонаси томонидан "Тошкент — Душанбе" автомобиль йўлининг 120 — 153 километрлик қисмида автотранспорт воситаларининг ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 2 миллиард 760 миллион 244 минг сўмлик 5700 дона темир-бетон тўсиқлари ўрнатилди. Ховос тумани йўл хўжалиги корхонаси жамоаси эса шу кунларда "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик темир йўл компанияси буюртмасига биноан, "Тошкент — Душанбе" автомобиль йўлида янги қурилган кўприкка асфальт ётқизиш ишларини якунига етказмоқда.

Бундан ташқари, ташкилот мутахассислари Фарғона водийсини жанубий вилоятлар билан боғловчи "Гулистон — Оҳангарон" автомобиль йўлининг 68 — 87 километрлик қисмида бошланган қайта қуриш ишларини ҳам жорий йил охиригача тугатишни мўлжалламоқдалар.

Таъкидлаш жоизки, сирдарёлик йўлсозлар ишининг сифати ва суръатини оширишда "Янгиерйўлиндустрия" ишлаб чиқариш корхонаси томонидан зарур маҳсулотлар етказиб берилаётгани, шунингдек, қум-шағал кони мавжудлиги муҳим омил бўлмоқда.

**Шомурод ХОЛМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

**Қаҳрамон ҚУННОЗОВ олган сурат.**

# КАРДИОЛОГ МУТАХАССИСЛАР АНЖУМАНИ

*__Пойтахтимизда Ўзбекистон Кардиологлари уюшмасининг VI съезди бўлиб ўтди. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Кардиологлар уюшмаси ташаббуси билан ташкил этилган ушбу тадбирда мамлакатимиз олимлари, шифокорлари билан бир қаторда Ҳиндистон, Россия, Украина, Қозоғистон, Латвия давлатларидан соҳа мутахассислари қатнашди.__*

**Тиббиёт**

Анжуманда таъкидланганидек, мамлакатимизда эл саломатлиги муҳофазасига йўналтирилган изчил ислоҳотлар бугун ижобий самара бермоқда. Тиббиётимиз ривожи йўлида амалга оширилаётган эзгу саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, ҳозир нафақат шаҳар ва туман марказлари, балки юртимизнинг энг олис қишлоқ жойларида ҳам жаҳон андозалари даражасидаги шифо муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Бугун кардиология соҳаси ривожига қаратилаётган эътибор сабаб, юрак хасталиклари билан боғлиқ оғир асоратларнинг олдини олишга, аҳоли орасида тиббий маданият даражасини юксалтиришга муваффақ бўлинаётир. Энг муҳими, тизимда тиббий хизмат кўрсатиш сифат жиҳатидан тобора такомиллашиб, ихтисослаштирилган илмий-амалий марказларда авваллари мутлақо имкони бўлмаган мураккаб жарроҳлик усуллари муваффақиятли қўлланилмоқда. Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг жойлардаги филиал ҳамда диспансерлари энг сўнгги ташхис-даволаш ускуналари билан жиҳозланиб, бирламчи тиббиёт муассасалари, шунингдек, шифохоналар қошида махсус кардиология хоналари ташкил этилмоқда.

Икки кун давом этган тиббиёт съездида юрак-қон томир касалликларини даволашдаги янги йўналишлар, хасталик асоратларининг олдини олиш, кардиолог мутахассис ва умумий амалиёт шифокори фаолиятидаги замонавий усуллар, сурункали юрак касалликларини даволашда янгича самарадор усулларни қўллаш каби мавзулар юзасидан илмий маърузалар тингланди. Шунингдек, анжуман доирасида ёш олимлар танлови ҳамда ҳудудлардаги мутахассислар билан он-лайн тизим орқали савол-жавоб ва мулоқотлар ўтказилди.

**Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.**

*__Мамлакатимизда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирини камайтириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури юксак самара бериб келмоқда. Навоий вилоятида ушбу дастур доирасида амалга оширилаётган ишлар мисолида ҳам буни яққол кўриш мумкин.__*

# МАҚСАД – ЭЛ ФАРОВОНЛИГИ

Шу йилнинг ўтган даврида бу ерда аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил этиш, пировардида уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасида муайян ишлар бажарилди. 2010 йилнинг ўтган даврида 30 минг 650 дан зиёд янги иш жойлари ташкил этилиб, бу борадаги режа 107 фоизга уддалангани ҳам шундан далолат бериб турибди. Мазкур иш ўринларининг 70 фоизи — 21 минг 450 таси қишлоқ жойларида ташкил этилганлиги, айниқса, эътиборга молик. Яна бир аҳамиятли томони шундаки, иш ўринларининг 88 фоизи, яъни 27 мингга яқини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳиссасига тўғри келади. Айни чоғда паррандачилик, асаларичилик ва балиқчиликни тараққий эттириш ҳисобига 2 минг 800 та иш жойи ташкил этилганлигини ҳам айтиб ўтиш зарур.

Аҳоли бандлигини таъминлашда касаначиликнинг ҳиссаси катта бўлаётгани ҳам сир эмас. Жорий йилда бу соҳада жами 3 минг 542 та иш ўрнини ташкил этиш режалаштирилган бўлиб, 3 мингдан зиёд касаначи иш ўрнига эга бўлди. Натижада бу борадаги режа 103 фоизга уддаланди.

**Бандлик**

Бунда кичик бизнес, хусусий корхоналарда пуллик хизмат кўрсатиш, чорвачилик ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, қурилиш, умумий овқатланиш соҳаларида касаначиликка кенг ўрин берилаётгани ютуқлар омили бўлиб хизмат қилаётир.

Вилоятда янги иш ўринларини яратиш баробарида, аҳолини иш билан таъминлаш масаласи ҳам яхши ташкил этилган. Шу йилнинг ўтган даврида бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларига иш сўраб мурожаат этган 16 минг 636 нафар фуқаронинг 15 мингдан кўпроғи ишга жойлаштирилган. Айни пайтда 1 минг 600 дан кўпроқ киши касбга қайта ўқитилди, 1 минг 400 нафари эса ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди.

Таъкидлаш керак, ушбу натижаларни қўлга киритишда Маҳаллийлаштириш дастурининг изчил амалга оширилаётгани, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида янги иншоотларнинг ишга туширилаётгани, мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари кенгайтирилаётгани катта самара бераётир. Табиийки, ушбу ютуқлар билан кифояланиб қолинмайди. Шу мақсадда ҳозир кичик корхона, микрофирма, хусусий тадбиркорлик субъектлари ташкил этиш, хизмат кўрсатиш, сервис соҳасини ривожлантириш, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, пудрат-қурилиш, шу жумладан, қишлоқ жойларда янги уй-жойлар барпо этиш ва қайта таъмирлаш ҳамда аҳоли яшаш пунктларини ободонлаштириш бўйича изчил изланишлар олиб бораяпмиз. Айни чоғда уй меҳнатини йирик ва кичик корхоналар билан кооперациявий шартнома асосида ташкил этиш, ҳунармандчилик, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, чорвачилик, паррандачилик ҳамда мева-сабзавотчиликка ихтисослаштирилган фермер ва деҳқон хўжаликларини янада кенгайтириш асосий эътиборда турибди.

Мухтасар қилиб айтганда, Навоий вилоятида янги иш ўринларини яратиш ва аҳолини иш билан таъминлаш, пировардида эл фаровонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Зеро, рўзғори бут юртга қут-барака ёғилади, унинг юксак тараққиётга эришувига шубҳа бўлмайди.

**Ҳомид ЖУМАЕВ,**
**Навоий вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи.**

| ЎзРТХБ котировкалари сўм/кг | | | | |
|---|---|---|---|---|
| УН олий нав 736,2 ▲+25,1 | УН биринчи нав 515,2 ▼-11,9 | УН иккинчи нав 472,9 ▼-9,0 | ПАХТА ЁҒИ 1675,0 ▼-54,4 | СУЛЬФАТ АММОНИЙ 207,0 ▲+5,4 |

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Мунир ҲУСАЙИН, (Бангладеш):**

— Мен Тошкентда ташкил этилган VI халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасида иштирок этиш учун келгандим. Тадбир жуда муваффақиятли якунланди, истиқболли шартномалар имзоланди. Биз ҳам Ўзбекистонда пахтани етиштириш, қайта ишлаш жараёнлари билан яқиндан танишиб, қимматбаҳо саноат хом ашёси тайёрлаш бўйича мамлакатингиз катта тажрибага эга эканига амин бўлдик. Хуллас, расмий учрашувлар, суҳбатлардан сўнг Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларини зиёрат қилиш имконияти яратиб берилди. Самарқанднинг Регистони, Бухоронинг Арки, Минораи Калони, Хиванинг миноралари ҳайратимни оширди. Бу тарихий шаҳарларнинг ҳар бири бетакрор меъморий ечимга эга. Ўзингизни бир зумга бўлса ҳам ўтмишда ҳис қиласиз. Очиғи, бунчалик деб ўйламагандим. Бангладешга боргач, яқинларимга, ҳамкасбларимга Ўзбекистонда кўрганларимни таърифлаб бераман. Ишончим комилки, улар ҳам бу ерга, албатта, келишади.

**Жозиф ВИНЦЕК, (Хорватия):**

— Дунёнинг жуда кўп давлатлари молиявий-иқтисодий инқироздан азият чекди. Ишсизлик муаммоси, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимининг издан чиққани ана шу таназзул оқибатларининг яққол кўринишларидир. Масалан, кўҳна қитъадаги йирик корпорациялар, компанияларнинг аксарияти ҳалиҳануз фойда кўра олгани йўқ. Буни уларнинг ҳар ой якунлари бўйича эълон қилаётган маълумотларидаги рақамлар ҳам тасдиқлайди.

Ўзбекистонда жорий йилнинг ўтган 9 ойи ҳам барча соҳаларда ижобий натижалар билан якунланибди. Эътиборимни тортган бир мисолни келтирай. Марказий нашрларда ёзилишича, ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар туфайли ушбу даврда 784,9 мингта, шу жумладан, қишлоқ жойларда 502,4 мингта янги иш ўрни яратилибди. Бу жудаям улкан ютуқ. Айниқса, ҳозирги шароитда. Мамлакатингиз қўлга киритаётган муваффақиятлар бундан кейин ҳам юқори бўлишига тилакдошман.

# ФАЙЗУ БАРАКА ВА САМИМИЯТ ЮРТИ

## дейишмоқда Ўзбекистонга ташриф буюраётган хорижлик сайёҳлар

**Алоиза ЛИТА, (Индонезия):**

— Ўзбекистон ҳудудидаги мавжуд тўрт мингдан зиёд моддий-маънавий обида умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилганининг ўзиёқ кўп нарсани англатади. Мамлакатингиздаги тарихий шаҳарларнинг бетакрорлиги, шубҳасиз, сайёҳларни ўзига жалб қилади. Қолаверса, одамларнинг самимийлиги ҳам бунда катта роль ўйнайди. Назаримда, шунинг учун ҳам бу ерга ташриф буюрувчилар мавсум танлаб ўтиришмайди: баҳор, ёз, куз, қиш, ҳеч иккиланмай келаверишади.

Ўзимдан қиёс. Куз бўлишига қарамай, саёҳат қилаяпман. Бу мавсумда Ўзбекистон боғларида асалдек етилиб пишган мевалар йиғиб олиниб, бозор расталарини янада тўлдираркан. Қовун, узум, беҳи, нок... ҳаммасининг таъми ажойиб. Мамлакатингиз чинакам файзу барака ва самимият юрти эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Сизларга ҳавасим келаяпти...

**Шавкат ОРТИҚОВ ёзиб олди.**

# Иқтидор ва маҳорат кўриги

***Жиззах вилояти мусиқали драма театри ҳамда санъат коллежида "Янги авлод — 2010" болалар ижодиёти республика фестивалининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.***

**Танлов**

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда "Камолот" ЁИҲ ҳамкорлигида ташкил этилаётган ушбу тадбирнинг туман ва шаҳар босқичларида 3091 нафар ўғил-қиз қатнашди. Уларнинг 700 нафарга яқини вилоят босқичида мумтоз ва миллий чолғу, вокал, тасвирий ва амалий санъат ҳамда адабиёт йўналишлари бўйича ўз иқтидорларини намойиш этди.

Якунда 12 нафар қатнашчи ғолиб, деб топилди. Эндиликда улар танловнинг республика босқичида вилоят шарафини ҳимоя қиладилар.

**Б. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**


Российский линолеум



тел. 234-48-11
факс 234-49-58
ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН



# ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР!

Республикамизда тадбиркорлик фаолияти учун янада қулай муҳитни ташкил этиш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши қарори билан ҳафтанинг жума куни

**«Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш куни»**

(«Очиқ эшиклар куни») деб эълон қилинган.

*Тадбиркорлик фаолиятида дуч келган тўсиқ ва муаммолар юзасидан ҳамда тадбиркорликка оид барча масалаларда ҳафтанинг ҳар жума куни соат 9.00 дан 13.00 гача республикамиздаги вилоят, туман, шаҳар ҳокимликларига бевосита мурожаат қилишингиз мумкин.*

*Сизнинг мурожаатингиз тегишли органлар томонидан кўриб чиқилиши таъминланади.*

**Мурожаат учун телефонлар:**
Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси:
**(8-371) 150-60-06, 150-60-05, (8-800) 120-04-04**
(ушбу рақамга телефон қилиш республика ҳудудида бепул ва фақат шаҳар телефонларидан амалга оширилиши мумкин).

**E-mail: info@chamber.uz; callcenter@chamber.uz; law@chamber.uz**

1030R/1237



# ЗАВОД TTEMZ ИЗГОТАВЛИВАЕТ И РЕАЛИЗУЕТ:

## КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А

предназначен для строительно-монтажных работ при возведении жилых и гражданских сборных сооружений и строительства многоэтажных зданий

- максимальная грузоподъемность – 8 т.
- максимальная длина стрелы – 30 м (с кареткой).
- максимальная высота подъема горизонтально — 41,5 м, наклонно — 57,5 м.







ВОЗМОЖЕН МОНТАЖ НА ШАССИ ЗАКАЗЧИКА

## АВТОКРАНЫ

для производства монтажных и погрузочно-разгрузочных работ с обычными грузами на рассредоточенных объектах

**КС-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗ**
- максимальная грузоподъемность – 14 т.
- максимальная высота подъема – 14,5 м.

**КС-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ**
- максимальная грузоподъемность – 16 т.
- максимальная высота подъема – 25 м (с гуськом).

**КС-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ**
- максимальная грузоподъемность – 25 т.
- максимальная высота подъема – 30 м (с гуськом).

## АВТОЦИСТЕРНЫ И АВТОТОПЛИВОЗАПРАВЩИКИ

Объемом $8 м^3$ и $12 м^3$ на шасси MAN, КАМАЗ, МАЗ.




Под заказ




## КРАНОМАНИПУЛЯТОРЫ и АВТОВЫШКИ на шасси: ISUZU, КАМАЗ, МАЗ и др.

| МОДЕЛЬ | ВЫСОТА ПОДЪЕМА ЛЮЛЬКИ | ГРУЗОПОДЪЕМНОСТЬ |
|---|---|---|
| KRANTAS - 335 | 15 м | 3,2 т |
| KRANTAS - 736 | 21,5 м | 6 т |

Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05. Факс: 262-23-61, 269-39-66.
E-mail: toemz1@sarkor.uz www.ttemz-kran.uz



УЛЬЯНОВСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ДИЛЕРИ

# «VOSTOK RUS AVTO» МЧЖ



UAZ Hunter



UAZ Patriot Limited

Тошкентдаги омборхонадан Ульяновск автозаводида ишлаб чиқарилган енгил ва юк автомобилларини ҳамда эҳтиёт қисмларини сотади.

ЕНГИЛ АВТОМАШИНАЛАР

ЙЎЛОВЧИ ВА ЮК ТАШУВЧИ АВТОМАШИНАЛАР

Фургон УАЗ-3741, юк ортиш учун ҳажмли УАЗ-3909, 4х4 MPV: микроавтобус УАЗ 2206, санитар автомашинаси УАЗ-3962 автомобилларини етказиб беришга буюртмалар қабул қилинади.

*Шунингдек, кафолатли техник хизматлар кўрсатилади!*



Юк ташувчи УАЗ-3303.



Юк ва йўловчи ташиш учун махсус УАЗ-39625.



Қўшимча кабинали УАЗ-39094.

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Тел./факс: 279-30-57, 279-30-58. Манзил: Тошкент ш., Бунёдкор шк., 27-уй.



"Росагропромснаб" МЧЖ

# ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ

ТАКЛИФ ЭТАДИ.

- УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ
- $5 м^3$/соатдан $500 м^3$/соатгача БЎЛГАН ГАЗТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАР
- ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ
- ПЗК фильтрлари, ИЗО муфталари



Маҳсулот сертификатланган.

Т/ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90
Манзил: Тошкент ш., Чилонзор мавзеси, "Ц" даҳаси, 6-уй (мўлжал — "Шуҳрат" дўкони жойлашган чорраҳа)


# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Шаҳар марказида ёнғин

***Москва марказидаги кўп қаватли бинолардан бирида ёнғин содир бўлди.***

"Интерфакс" ахборот агентлиги хабарига кўра, кўнгилсизлик Большая Грузинская кўчасида юз берган. "Тилсиз ёв" қарийб минг квадрат метр майдонга зарар етказган. Етти киши ҳаётдан кўз юмган. Ёнғинга қарши 20 та ўт ўчириш бригадаси кураш олиб борган ва қарийб уч соатда у бартараф этилган.

Воқеанинг келиб чиқиш сабаблари ўрганилмоқда.

## Қайта рўйхатга олиш бошланди

***Хитойда аҳолини қайта рўйхатга олиш бошланди, дейилади "ВВС" хабарида.***



Бу тадбирга олти миллион киши жалб этилган. Ҳозир мамлакат аҳолиси 1,3 миллиард кишини ташкил этади, деб ҳисобланмоқда. Аммо мазкур рақам ўзгариши ҳам мумкин. Чунки сўнгги йилларда мамлакатда жорий этилган бир оилага бир фарзанд тартибига асосан, кўпчилик янги туғилган чақалоқларини рўйхатга олдирмаган. Шу боис ҳукумат бундай оилаларнинг ўз хоҳиши билан мурожаат қилишини сўраган.

Бундан ташқари, мазкур тадбир орқали мамлакатдаги меҳнат мигрантлари сонини ҳам аниқлаб олиш кўзда тутилган. Тахмин қилинишича, ҳозир Хитойда ишлаш учун келган хорижликлар сони 200 миллион кишини ташкил этади.

## Хом ашё танқислиги

***"Financial Times" нашрининг ёзишича, яқин вақт ичида жаҳонда автомобиль шиналари нархи қимматлашиши кутилмоқда.***

Бунга айни пайтга келиб табиий каучук ишлаб чиқариш ҳажми камайиб бораётгани сабаб қилиб кўрсатилмоқда. Хусусан, мазкур хом ашёни энг кўп етиштирувчи Жануби-шарқий Осиё мамлакатларида кузатилган ҳаддан зиёд ёғингарчиликлар маҳсулот миқдорининг пасайишига олиб келган. Шу боис шиналар тайёрловчи "Bridgestone", "Michelin", "Goodyear" ва "Continental" каби компаниялар ўз маҳсулотлари нархини 5 фоиздан 15 фоизгача кўтарган.



Шунингдек, резина қўлқоплар тайёрловчи дунёдаги энг йирик компания саналган "Malaysia`s Top Glove" ҳам тижоратини сақлаб қолиш мақсадида кейинги йил ўз маҳсулотлари баҳосини оширишга қарор қилган.

## Кўк чой ва саратон

***Кўк чойдан мунтазам истеъмол қилиш аёлларни кўкрак саратони билан касалланишга олиб келади, деган фикрлар ўз исботини топмади.***



Бу борада тадқиқотлар олиб борган япониялик олимлар шундай хулосага келишди. Кузатишлар Токиодаги саратон хасталиклари миллий марказида олиб борилган. Унга 53793 нафар аёл жалб этилди. Ўн тўрт йил давом этган изланишлар якунига кўра, 350 та аёлда кўкрак саратони аниқланган. Аммо уларда бу касалликнинг юзага келишига бошқа унсурлар сабаб бўлган.

## Фаолиятини кенгайтирмоқда

***АҚШнинг чанқовбосди ичимликлар ишлаб чиқарувчи "Coca-Cola" компанияси Россиянинг "Нидан Соки" корхонасини сотиб олди.***

Бунинг учун у қарийб 300 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфлаган. Эндиликда "Coca-Cola" мазкур давлатда ишлаб чиқарилаётган "Да!", "Моя семья", "ВВ", "Сокос", "Caprice", "Мултон", "Добрый", "Rich", "NICO Biotime", "Ясли-сад" каби шарбатларни ўз савдо белгиси остида харидорлар ҳукмига ҳавола этади. Бу мамлакат бозорига чиқариладиган шундай ичимликларнинг учдан бир қисмини ташкил этади.

Маълумот сифатида айтиб ўтамиз, "Coca-Cola" алкоголсиз ичимликлар ишлаб чиқарувчи дунёдаги энг йирик компания ҳисобланади. Ҳозир мазкур савдо белгиси остида 500 турдаги газланган ва газланмаган ичимликлар тайёрланмоқда.

## Кема гаровга олинди

***Сомалилик қароқчилар томонидан яна бир кема гаровга олинди.***



Панама давлати байроғи остида ҳаракатланаётган мазкур кема асирга олинган вақтда унинг бортида 24 киши бўлган. Шу тариқа, қароқчилар қўлига тушган денгизчилар сони 519 нафарга етган.

*Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.*

# ЮКСАК ЭЪТИБОРГА МУНОСИБ БЎЛАМИЗ

***Истиқлол туфайли мамлакатимизда барча соҳалар қатори спортга, хусусан, миллионлар ўйини бўлмиш футболни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Футбол клубларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, стадионларни ФИФА талабларига мувофиқлаштириш, жаҳон ва қитъа чемпионатлари, халқаро мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган маҳоратли футболчилар тайёрлашни таъминлаш, шунингдек, футболимизнинг оммавийлик даражасини ошириш мақсадида ҳаётга татбиқ этилган қатор ҳужжатлар бу борада муҳим асос бўлиб хизмат қилаётир.***

Бугун юртимизнинг барча ҳудудларида қад ростлаётган минглаб спорт мажмуалари, стадионлар, спорт заллари ана шу ислоҳотларнинг амалдаги самаралари сифатида бўй кўрсатаётган бўлса, улар бағрида тарбияланаётган ёшларимизнинг маҳорат ва интилиши ғуруримизга ғурур қўшмоқда. Ўзбекистон футболида олиб борилаётган бундай янгиланишлар жараёни халқаро миқёсда ҳам доимо эътироф этиб келинаяпти. Жумладан, ФИФА, Осиё футбол конфедерацияси мутасаддилари яратиб берилаётган шарт-шароитларни юқори баҳолашмоқда.

### Дил сўзи

Айтиш жоизки, шаҳару қишлоқларимизда замон талабларига мос спорт иншоотларининг барпо этилиши туфайли минифутболимиз келажаги учун ҳам муносиб пойдевор яратилмоқда. Яъни спорт заллари сони кўпайиб, уларнинг маҳаллий ва халқаро миқёсдаги мусобақаларни ўтказиш имконияти ошиб бораётир. Бу, ўз навбатида, жойларда минифутбол жамоаларининг шаклланишига, иқтидорли ёшларни излаб топиб, маҳоратини оширишга хизмат қилаяпти.

Осиё футбол конфедерациясининг мамлакатимиздаги мавжуд имкониятларни инобатга олиб, футзал бўйича Осиё чемпионатини икки бор айнан Ўзбекистонда ўтказгани ҳам ОФКнинг юртимизга бўлган катта ишончидан далолатдир. Шу йил май ойида пойтахтимизда ташкил этилган XI қитъа чемпионати таассуротлари, ҳаяжони ҳали-ҳануз бизни тарк этгани йўқ. Мана шундай масъулиятли мусобақада терма жамоамиз финалгача етиб боришнинг уддасидан чиқди. Якуний баҳсда эса бир оз тажриба етишмади ва Эрон терма жамоасига имкониятни бой бердик. Учрашувдан сўнг Осиёнинг энг кучли термаси вакиллари ўз интервьюларида, асосан, ёш ўйинчилардан ташкил топган Ўзбекистон миллий терма жамоасига қарши баҳс осон кечмаганини, бизнинг яқин келажакда дунёнинг етакчи жамоалари қаторига қўшилишимизга шубҳа қилмасликларини айтишибди. Эшитиб, хурсанд бўлдик.

Мен минифутболдаги фаолиятим давомида жуда кўп ютуқларни қўлга киритдим. Тўрт карра Ўзбекистон чемпионлиги, бир неча бор мамлакат кубоги баҳслари ғолиблигига эришдим. Шунингдек, Осиё чемпионатининг кумуш ва бронза медаллари совриндори, ёпиқ иншоотларда ўтказилган Осиё ўйинларининг бронза медали соҳиби бўлдим. Қитъамиз чемпионатларининг барчасида қатнашган ягона футзалчи сифатида ҳам фахрланаман.

Ушбу муваффақиятларимнинг ҳар бири мен учун қадрли. Лекин бу йилги Истиқлол тантаналари арафасида Президентимиз Фармонига асосан, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи» унвонига лойиқ кўрилганим ҳаётимдаги энг унутилмас воқеа бўлди. Бу давлатимиз раҳбарининг спорт соҳасига бўлган чексиз эътиборининг яна бир ёрқин далилидир. Мана шу ғамхўрликка муносиб бўлиб, келгусида ҳам футзалимиз ривожига бор куч-ғайратим билан ҳисса қўшиш эзгу ниятимдир.

**Баҳодир АҲМЕДОВ,**
**футзал бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи.**

### 2010 йил — Баркамол авлод йили



***"Ташаббус — 2010" республика кўрик-танловида истеъдодли ёш ҳунарманд, ёғоч ўймакорлиги устаси Камолиддин Раҳимов "Йилнинг энг яхши ҳунарманди" деб эътироф этилди. Кўрик-танловнинг якунловчи маросимида унга махсус диплом ва Президентимиз совғаси — "Матиз" автомобили туҳфа этилди.***

# ҲУНАРМАНДЛИК МЎЪЖИЗАСИ

— Ҳали ҳунармандчиликдаги келажагим олдинда бўлса-да, соҳадаги илк муваффақиятли қадамларим эл-юрт назарига тушди, муҳтарам Юртбошимиз эътиборига сазовор бўлдим. Мен жуда бахтлиман, — деди биз билан суҳбатда Камолиддин...

Ҳунармандчилик ўз-ўзидан ривожланмайди. Унга куч, равнақ бахшида этадиган омиллар, имкониятлар, албатта, ишга солиниши керак. Шундай қадимги, аммо ҳеч қачон эскирмас имкониятлардан бири "Уста-шогирд"лик мактабларидир. Бугун шу табаррук анъана тикланиб, ҳаётимизда тобора мустаҳкам ўрин эгалламоқда. Республика "Ҳунарманд" уюшмаси маълумотларига кўра, ҳозирги кунда мамлакатимизда 460 та "Уста-шогирд" мактаби фаолият юритаяпти. Уларда 1,5 мингдан зиёд иқтидорли ёшлар турли-туман ҳунарларни эгалламоқдалар. Бу ёшларнинг ёғоч ўймакорлиги, кулоллик, мискарлик, пичоқсозлик, заргарлик, атлас, адрас, гилам тўқувчилиги, каштадўзлик, дўппидўзлик ва бошқа йўналишлардаги ҳунармандчилик ишлари ҳозирнинг ўзида республикамиздаги ва халқаро кўргазмаларда кенг жамоатчиликка ҳайрату завқ ҳадя этмоқда. Уларнинг орасида Камолиддин Раҳимовдек ёрқин салоҳиятли ва халқ ҳунармандчилигига чуқур муҳаббатли ёшлар бор ва улар оз эмас.

Эътиборлиси, ёшлар ҳунармандчиликда миллий анъана ва қадриятларни ривожлантиришга астойдил киришмоқдалар. Масалан, Бухорода ёш ҳунармандлар миллий қўғирчоқларнинг хилларини кўпайтириш ва уларни жаҳон миқёсига олиб чиқишни астойдил ният қилишган. Шу мақсадда Бухоро шаҳрида "Миллий қўғирчоқлар" кўргазма зали ташкил этилди. Бу масканда айни кунларда соҳанинг 5 нафар таниқли устаси ўз шогирдларига миллий ҳаракатланувчи қўғирчоқлар ясашни ўргатмоқда. Бухорога ташриф буюрган хорижий сайёҳлар, жумладан, ана шу кўргазма залига ҳам келишиб, миллий қўғирчоқларимизга катта қизиқиш билан қарамоқдалар ва уни харид қилувчилар кўпайиб бормоқда.

Баркамол авлод йилида мамлакатимиз ҳунарманд ёшларининг меҳнати ва изланишларини қўллаб-қувватлашга қаратилган янгидан-янги хайрли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Чунончи, каштадўзлик санъати ва ҳунарида машғул бўлган қизларимиз меҳнатини рағбатлантириш ва бу борада янги иш ўринларини яратиш мақсадида, республика шаҳарлари ва туманларида "Дўппи тикдим ипаклари тиллодан" шиори остида кенг қамровли кўрик-танлов ўтказилди. Ушбу тадбирни амалга ошириш ва ғолибларни тақдирлаш учун тегишли ташкилотлар ва ҳомийлар томонидан 13,5 миллион сўм ҳажмида маблағ сарфланди. Танлов мамлакатимиздаги кўплаб чевар дўппидўз қизларимиз санъатини элга намойиш этди ва соҳа ривожига катта рағбат бағишлади.

— Президентимиз томонидан 2010 йил 30 мартда қабул қилинган "Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони соҳа ривожини янги босқичга кўтарди, — дейди Ўзбекистон халқ усталари ва ҳунармандлари "Ҳунарманд" уюшмаси раҳбари Муҳаммадюсуф Қурбонов. — Ушбу Фармоннинг эзгу аҳамиятини халқимизга етказиш учун битта қувонарли далилни келтириш ўринлидир. Шу пайтгача "Ҳунарманд" уюшмасига аъзо бўлмасдан, якка тартибда меҳнат қилиб, маҳсулотларини бозорга чиқараётган тадбиркор ёки ҳунарманд ҳар ойда белгиланган солиқ тўловини бажарар эди. Энди Президентимизнинг мазкур Фармонига биноан, республика "Ҳунарманд" уюшмасига аъзо бўлиб, уй шароитида меҳнат қилаётган бундай шахслар алоҳида имтиёзга эга бўлишиб, 2012 йилнинг 1 апрелигача солиқ тўловидан озод этиладилар. Солиқдан бўшаган маблағларини эса ўз касбларини ривожлантиришга ва оила фаровонлигини таъминлашга сарфлайдилар. Юртбошимизнинг ҳунармандчилик, амалий санъат ривожига улкан ғамхўрлик билан йўғрилган Фармонининг мазмун ва моҳияти жойларда меҳнат қилаётган соҳа вакиллари, айниқса, ёшлар онги ва қалбига етиб бориб, бугунги кунда республика "Ҳунарманд" уюшмасига аъзо бўлаётганлар сони тобора кўпайиб бормоқда.

**Миҳли САФАРОВ.**

**СУРАТДА:** ёғоч ўймакорлиги устаси Камолиддин Раҳимов (чапдан биринчи) шогирдлари билан суҳбатда.

**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.**

## МАДАНИЯТ хабарлари

***Ўзбекистон Республикаси Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида истеъдодли мусаввир Александр Тюриннинг "Мулоқот" деб номланган кўргазмаси очилди.***

# Она диёр тараннуми

Юртимиз замонавий тасвирий санъатининг ёрқин намояндаларидан бири ҳисобланган А. Тюрин ўзига хос услуб ярата олган мўйқалам соҳибларидандир. Унинг натюрморт ва манзара жанри уйғунлигидаги бетакрор асарлари ҳар бир санъат ихлосмандини ўзига ром этади. Жумладан, "Монолог", "Қишки қовун" асарларида табиатдаги ана шундай уйғунликни кузатиш мумкин.

Александр Тюрин ижод намуналари билан мамлакатимиз ва хорижда бўлиб ўтган юздан зиёд кўргазмаларда ҳам иштирок этган. Унинг турли жанрларда яратган кўплаб асарлари қатор хорижий мамлакатларнинг санъат галереяларида сақланмоқда.

**Зуҳра ЗАЙНУТДИНОВА.**

# Саҳнада — «Тўй»

***Бахт ҳақида ҳар кимнинг ўз тушунчаси, қарашлари бор. Кимдир уни ҳаётда нимагадир эришишда, деб билса, яна кимдир бахтнинг калити пул ва бойликда, деб ҳисоблайди. Алалоқибат, бундай саёз тушунча фарзандлар тарбиясига ҳам салбий таъсир кўрсатмай қолмайди...***

Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилояти мусиқали драма театрида саҳналаштирилган "Тўй" номли спектаклда ана шу ҳаётий ҳақиқат хусусида сўз боради. Драматург Қурбонмуҳаммад Ризо қаламига мансуб мазкур саҳна асарини томоша қилар экансиз, эзгулик, меҳр-оқибат, бахтли ҳаёт ҳақидаги ўй ва қарашларингиз янада тиниқлашгандек бўлади. Оила мустаҳкамлиги, фарзанд тарбиясида кишининг юксак маънавий фазилатлар соҳиби бўлмоғи лозимлиги нечоғли муҳим эканига яна бир бор амин бўласиз.

Спектаклда бойликка ружу қўйиб, кибрга берилган, фарзанд тарбияси борасидаги асосий бурчларини унутган ота-она, меҳнатсиз бойлик сабаб турли нопок йўлларга кириб кетган фарзандлар ва уларнинг аянчли тақдиридан ҳикоя қилинади.

Саҳна асарида бош ролларни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар А. Абдуллаев, Ш. Жумаев, М. Маматиллаохунова ҳамда Ш. Каттабобоев, Д. Мирсолиева, М. Жуманов сингари ёш актёрлар ижро этишган.

Айни кунларда мазкур спектакль Ўзбек миллий академик драма театрида намойиш этилаяпти.

**Мухтасар КАРИМОВА.**


*Корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!*

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ**

**вазирлик бўлинмалари шахсий таркиби учун формали пойабзалларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича тендер ўтказилишини эълон қилади.**

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент ш., Шота Руставели 1-берк к., 1-уй.

Талабгорлардан тендерда иштирок этиш таклифлари 25 иш куни давомида қабул қилинади.

Маълумот олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 19.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 255-75-12, 255-81-45, 231-31-47.
Факс: 8 10 998 (371) 281-43-73.

1035R/1232


# Самарқандлик спортчилар учун туҳфа

**Самарқанд шаҳрида "Афросиёб" деб номланган замонавий спорт мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.**

Бунинг учун қаровсиз ётган бино мукаммал таъмирдан чиқарилиб, спортнинг бир неча турлари бўйича шуғулланиш имконияти яратилди. Шунингдек, мажмуа қошида 30 ўринли меҳмонхона ҳам иш бошлади. Мажмуани бунёд этиш учун Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 2 миллиард 250 миллион сўм сарфланди.

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**






## ОБ-ҲАВО

(3 ноябрь)

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда ёғингарчилик бўлади. Кечаси 2 даража совуқ билан 3 даража илиқ атрофида, кундузи 2-7 даража илиқ бўлади.

**Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари.** Вақти-вақти билан ёғингарчилик бўлиши кутилмоқда. Ҳарорат тунда 1-6, кундузи 5-10 даража илиқ, Навоий вилоятининг шимолида эса 2-7 даража илиқ бўлади.

**Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилади. Ҳарорат тунда 1-6, кундузи 5-10 даража илиқ бўлади.

**Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари.** Вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Кечаси 2-7 даража илиқ, кундузи 10-15 даража илиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлади. Тунда 3-8, кундузи 5-10 даража илиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Вақти-вақти билан ёғингарчилик бўлиши кутилмоқда. Ҳарорат тунда 3-5, кундузи 5-7 даража илиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги жамоаси вазирликнинг собиқ ходими **Айбек Рустамович ҲАСАНОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси жамоаси Маънавият ва бошқарув маданияти кафедраси доценти Улуғбек Саидовга волидаи муҳтарамаси **Мактуба ШАМСИЕВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Асака" давлат акциядорлик тижорат банки жамоаси бошқарув раиси ўринбосари Зокир Холмаҳмадовга волидаи муҳтарамаси **БАСАНДА аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


*СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ*

**ИП ООО «PAKHTAKABEL ZAVODI»**

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ **кабельно-проводниковую продукцию**

- Кабели силовые с пластмассовой изоляцией марки АВВГ, ВВГ
- Самонесущие провода СИП-2А
- Провода бытового назначения АПУНП, ПУНП, АППБН, АПУН
- Провода установочные АПВ, АППВ
- Провода неизолированные из алюминия марки А
- Провода неизолированные со стальным сердечником марки АС

ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

Специальные предложения по неизолированным проводам марок А и АС от 16 мм² до 600 мм².

E-mail: pakhtakabel@mail.ru
Адрес: 100057, г. Ташкент, ул. Уста Ширин, 136.
Тел./факс: (+998 71) 228-07-76, 248-48-51.
Телефоны: (+998 97) 485-65-23, (+998 98) 304-00-94.



**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Бухоро вилояти филиали**

**бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**Аукцион савдосига такроран Бухоро шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан** Бухоро вилояти хўжалик судининг 2010 йил 5 июлдаги 20-1004/8441-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, «Миркулол» хусусий қурилиш-монтаж трестига тегишли, Бухоро шаҳри, Жарқоқ кўчасида жойлашган, умумий майдони 3545,0 кв.м., қурилиш майдони 328,0 кв.м.дан иборат икки қаватли бино-иншоот қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 300 000 000 сўм.

**Аукцион савдоси 2010 йил 18 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.**

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мазкур аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБ Бухоро филиалининг «Турон» банки Бухоро бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000200571452129, МФО: 00111, СТИР: 200933850.

**Манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, 4-қават.**
**Телефонлар: (8-365) 223-71-36, 223-71-30.**

www.rkmb.uz

*Лицензия: DB 001 № 000004.*



| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| ЦЕМЕНТ (пц400 д20) 157,8 ▼ -2,3 | ЦЕМЕНТ (ппц400) 143,4 ▼ -4,8 | АРМАТУРА 1320,0 ▼-1029,4 | ШИФЕР (1 лист) 14228 ▲ +86 | АММОНИЙ СУЛЬФАТ ФОСФАТ 310,2 ▲+1,1 | Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг. |



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1003. 38310 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

[t] -Тижорат материали

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.15 Топширилди — 21.50 1 2 4 5